



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2025 йил
1 август,
жума
№ 33
(1067)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КОСМИК МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 июль кун қишлоқ хўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича йўғилиш ўтказди.

Бу кун кеча бўлиб ўтган видеоселектор йўғилишининг мантикий давоми. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масаласи кўриб чиқилар экан, давлатимиз раҳбари ердан унумли фойдаланиш, самарадорлиқни ошириш йўллари кўрсатган эди.

Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлил жуда зарур. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбеккосмос” агентлиги шундай имконият бермоқда. 2024 йил 14 октябрдаги Президент фармонида мувофиқ, иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологиялар жорий этилмоқда.

Жумладан, бу қишлоқ ва сув хўжалигидаги ҳақиқий ҳолатни, камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиб беради. Икки йил мобайнида соҳада фойдаланилаётган 4 миллион гектардан зиёд ерлар космик мониторинг қилинди. Аниқланишича, ҳисоботларда кўрсатилган айрим майдонларда пах-

та экилмаган, баъзан эса, захирадаги ёки эгаси номаълум ерларга экилган.

Шу боис давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини масофавий мониторинг қиладиган тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллигидан келиб чиқиб, юртимизда кам сув талаб қиладиган янги навлар ва агротехнологияга ўтилмоқда. Лекин экинларни сугоришда сув сарфи меъёри ҳозирги ҳақиқатдаги талабга жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилди. Гидромул районлаштириш ёндашуви ҳам эскирган. Оқибатда каналлар охирида жойлашган 3 мингдан зиёд фермерга сув етиб бормаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги илмий институтларни жалб қилган ҳолда сугориш меъёри ва гидромул районлаштириш тўлиқ янгилаш вазифаси қўйилди.

Фермерлар сарфлаётган сувнинг ҳалигача аниқ ҳисоби йўқлиги қайд этилиб, бунинг барча босқичларини рақамлаштириш, сувнинг контурма-контур ҳисобини юритиш зарурлиги таъкидланди.

Сув омборлари сизими ҳам лойиҳавий қуввати бўйича ҳисобланиб келинар эди. Сўнгги икки йилда 60 та йирик сув омбори илк бор батиметрик таҳлилдан ўтказилди. Лойқа чўккани сабабли айримларининг сизими қайта аниқланди.

Шу боис барча сув омборларига “ақлли” ҳисоблагичлар ўрнатиб, сув миқдорини онлайн кузатиш, улардаги лойқани қамайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

– Ер билан сув қишлоқ хўжалигидан тақдирини ҳал қилувчи масала, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йўғилишда соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозир фермерлар ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича 30 дан ортиқ платформадан фойдаланяпти. Буни осонлаштириш учун улар бирлаштирилиб, “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси ишга туширилади.

Энди даласига нима экишни фермернинг ўзи ҳал қилади. Буни платформага ҳам унинг ўзи киритади. Натижада асосий, тақрорий ва тўқ-

сонбости экинлар миқдори олдиндан кўринади. Бу озиқ-овқат хавфсизлиги, нарх-наво барқарорлиги ва деҳқонларнинг даромадида жуда муҳим.

Бош вазир ўринбосари Ж.Қўқоров бошчилигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия тузилиши белгиланди. Етишмаётган маҳсулотни кўпайтириш учун имтиёзли кредит ва субсидия берилади.

Соҳада учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда. Кузда 100 дан зиёд замонавий дрон олиб келинади. Мутасаддиларга хусусий секторни жалб этиб, фермерларга дронлар ёрдамида хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.


Сомонпояларни ёқишга чек қўйишнинг қонуний асосларини яратиш зарурлиги айтилди.

Космик тадқиқотларда қурилиш, кадастр, нурда конлари, ўрмон ва яйлов ерлари бўйича ҳам таҳлиллар борлиги таъкидланиб, вазирлар ва ҳокимларга уларни ўрганиб, режалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

●Моҳият

Коррупцияга қарши курашиш



қонун устуворлиги ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашнинг асосий омили

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти турли сиёсий жараёнларни, иқтисодий тангликларни ва кўплаб қарама-қаршиликларни бошдан кечирмоқда. Одамларнинг сиёсий дунёқараш ва ижтимоий маданияти ҳам шунга яраша кундан-кун ўсиб бормоқда. Бундай мураккаб жараёнларда мамлакат тараққиётини таъминлаш, хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар фаровонлигини барқарорлаштириш бошқарувдан соғлом муҳитни ва юқори натижадорликни талаб қилади.

(Давоми 3-бетда) ►

Аввало шунга айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 209-моддасида мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат ишIROкидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразсўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумот ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгиланган.

●Талаб ва таклиф

«Расмий ҳужжат» ТУШУНЧАСИ

бу билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш: муаммо ва ечим

Шунингдек, кодекснинг 228-моддасида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш учун жавобгарлик белгиланган.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Ўқма тумани суди раиси, юридик фанлар доктори, доцент

(Давоми 3-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини халқаро стандартлар даражасида таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

■ Парламент фаолияти



Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги халқаро стандартлар даражасида таъминланади, бюрократик тўсиқлар бекор қилинади

Мажлисида “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳа-

(Давоми 4-бетда) ►

●Ҳуқуқий шарҳ

Кибержиноятларга қарши кураш ҳуқуқий, институционал ва стратегик ёндашув

Сўнгги йилларда бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам технологик тараққиёт билан бирга замонавий таҳдидлар, хусусан, кибержиноятчилик шиддат билан ўсиб бормоқда. Айнаниқса, молиявий ва ахборот тизимлари рақамлаштирилган сари уларнинг заиф нуқталари кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган жиддий муаммолардан ҳисобланади. Шу нуқтага назардан, Президентимизнинг 2025 йил 30 апрелдаги “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада қулайитиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори миллий киберхавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш борасида муҳим стратегик қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда) ►

■ Муносабат



«Ватан учун, миллат учун, халқ учун»

ғояси мустақилликдан фахрланиш ва дахлдорлик ҳиссини оширади

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” ғояси билан муштарак бўлган эзгу мақсадлар мужассамдир. Қарорга асосан, 34 йиллик шонли сана Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига муносиб тарзда юксак савияда ўтказилиши белгиланган.

(Давоми 2-бетда) ►



Жамила БОБАНАЗАРОВА
Олий Мажлис Сенати аъзоси

●Хабар


Шахснинг шаъни суд орқали ҳимоя қилинадиган муҳим ҳуқуқларидан биридир



Ўзбекистон Республикаси Олий судида “Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини суд орқали ҳимоя қилишда қонунчиликни қўллаш амалиёти ва муаммолари” мавзусида конференция ташкил этилди.

Маълумки, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш – шахснинг ва унинг эзгу номини муҳофаза этишнинг энг муҳим конституциявий қафолатларидан биридир.

(Давоми 3-бетда) ►



Наим КАРИМОВ,
академик

◀ (Бошланиши ўтган сонда)

“Амир Умархоннинг канизи” асари ёзилганми?

А.Қодирийнинг Фаргона сафари ҳақидаги хотиралар қанчалик илмий қимматга эга бўлмасин, уларда адибнинг айнан Амир Умархоннинг канизи тўғрисида асар ёзмоқчи бўлганини тасдиқловчи бирорта сўз, бирорта ишора йўқ. Хотиранавислар асосан адибнинг Умархон ва

Мадалихон даври билан қизиқанглигини айтганлар, холос. Лекин Ҳ.Қодирий адиб замондошларининг шу хотираларини баён қилгач: “Энди шу изланишлар натижасида романга йиғилган айрим материалларни қўйида бериб ўтмоқчиман.

(Давоми 4-бетда) ►

■ Муносабат

«Ватан учун, миллат учун, халқ учун»

Ғояси мустақилликдан фахрланиш ва дахлдорлик ҳиссини оширади

◄(Бошланиши 1-бетда)

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Тинчлик ва осийишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда рўёбга чиқариш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўтган 34 йиллик даврда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ислохотлар амалга оширилди. Мазкур байрам ислохотларимиз миллитимиз ҳаёт даражасини юксалтиришга, халқимизнинг манфаатига хизмат қилаётганлигини теран англашга, халқимизнинг мустақилликдан фахрланиш ва дахлдорлик ҳиссини оширишга йўналтирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёниларни амалга оширилаётган даврда бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, минтақа ва глобал даражада фаол прагматик таъки сиёсат олиб бориб, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантирмоқда, шу боис Ўзбекистоннинг таъки сиёсати дунё давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Дунёда баъзи бир давлатлар ўртасидаги турли сиёсий-иқтисодий келишмовчиликлар, беқарор ва осийишталикдан йироқ вазият юзага келган даврда ҳам давлатимиз раҳбарининг таъки сиёсатдаги изчиллиги, ҳар қандай шароитда ҳам мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган стратегияси тўғрисида Ўзбекистон таъки сиёсатида бир қатор натижалар қўлга киритилди. Бу, ўз навбатида, ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлади.

Президентимиз дунё хавфсизлиги ва тинчлигига салбий таъсир кўрсатаётган Яқин Шарқдаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш ва 1967 йилдаги БМТ қарори асосида мустақил Палестин давлатини тузиш барча муаммоларнинг қалити эканини таъкидлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланди.

Шунингдек, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи аънавий шериклар бўлиб, кейинги йилларда бу муносабатлар янги босқичга чиқди. Жумладан, Самарқанд шахрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи Саммитида давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда чуқур тарихий илдизларга эга бўлган муносабатларимиз ҳозирги замон шароитида жадал ривожланаётгани ва ҳар томонлама мустаҳкамланаётганини алоҳида таъкидлади.

Европа Иттифоқи дунёдаги энг ривожланган минтақавий интеграция блоки ҳисобланади. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик натижасида 2024 йилда мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 5,2 фоиз ўсди. Мамлакатимизда

Европа капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётгани, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса, 30 миллиард еврога етганлигини қайд этиш лозим. Мамлакатимизнинг Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Туркия ҳамда Осиёнинг йирик давлатлари билан ҳамкорлиги, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари янада мустаҳкамланди. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида кўплаб ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон БМТ, ШҲТ, МДҲ, ТДТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида терроризм ва таҳдидларга қарши кураш соҳасидаги амалий ҳамкорлигини янада ривожлантирмоқда. Президентимиз томонидан БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришга жаҳонда ҳамжиҳатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, диёримиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири – “Олий даражали Дўстлик” орденини тантанали топшириши глобал ва минтақавий аҳамиятга моллик кенг кўламли ислохот ва ташаббусларимиз, БМТ институтларининг республикамиздаги фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганидан дараж беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон таъки иқтисодий фаолиятида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 16,9 миллиард АҚШ доллари етиши (ўсиш 33%) – ана шу ўзгаришларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Бу бевоқифа давлат раҳбари томонидан амалга оширилаётган изчил, оқилона ва халқпарвар иқтисодий сиёсатнинг самараси ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Бу борада қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ўринда, хусусан, соддалаштирилган экспорт тартиблари, электрон платформа орқали экспорт қилиш имкониятлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурлари, янги экспорт бозорларини ўзлаштириш бўйича сиёсий ва дипломатик фаолиятнинг кенгайиши каби омилларни эътироф этиш жоиз.

Бу жараёнлар натижасида жорий йилнинг ўзида 1 минг 557 та янги корхона экспорт фаолиятига жал қилинди ва 650 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Айна рақамлар Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшилланганини кўрсатади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр соҳани модернизация қилиш, саноатни маҳаллийлаштириш, қурилиш материаллари кластерини шакллантириш, туризм ва ахборот технологиялари соҳаларини ривожлантириш каби ташаббуслар бугунги экспортда ўз самарасини бермоқда. Бу эса, маҳаллий ҳокимликларга кенг ваколатлар бериш, ҳудудий лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспорт инфратузилмасини яратиш сиёсатининг муваффақиятидан далолатдир.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бунда тўғрилик, адолат ва тенглик бошқаруving асосий мезонлари ҳисобланади. Шундай экан, давлат хизматчиларининг замонавий билим ва кўникмалар, бошқарув малакасига эга бўлиши билан бирга, маънавий-ахлоқий етуқлиги, ҳалоллиги ва адолатпарварлиги катта аҳамият касб этади.

Чунки ҳозирги даврда дунё мамлакатлари геосиёсий тўқнашувлар ва экологик муаммолар билан бир қаторда коррупция иллатларидан ҳам кўп зарар кўрмоқда. Коррупция аксарият давлат ва жамиятлар ҳаётининг турли жабҳаларига кириб бориб, уларнинг қадриятлар тизими, одоб-ахлоқ меъёрларига жиддий зарар етказмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини четлаб ўтиб, фуқароларнинг адолатга, давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Президенти томонидан барча халқлар азалдан юксак кадрлаб келган, ҳамма нарсадан устун қўйган адолат туйғусини ҳаётда янада кенг қарор топтириш, жамиятда турли коррупция ва жиноятчилик ҳолатларини камайтириш бўйича қатъий чоралар қўришга мунтазам эътибор қаратилмоқда. Даврининг мураккаб жараёнларига қарамай, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада жадаллаштириш, иқтисодий-сиёсий барқа-

●Моҳият

Коррупцияга қарши курашиш

нинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид 10 га яқин қонун қабул қилинди, Президентнинг 10 та фармон ва қарори, ҳукуматнинг 2 та қарори, 20 дан ортиқ идора-вий ҳужжат ва 2 та давлат дастури тасдиқланди.

Айниқса, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кенди” деган тамойил асосида давлат бошқарувида институционал ўзгаришлар амалга оширилгани диққатга лойиқдир. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, Сенатда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси фаолияти йўлга қўйилди. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил қилинди.

Шунингдек, “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида аҳоли ва тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Қолаверса, сифатли, тезкор ва шаффоф давлат хизматла-

“ Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари геосиёсий тўқнашувлар ва экологик муаммолар билан қаторда коррупция иллатларидан ҳам кўп зарар кўрмоқда. Коррупция аксарият давлат ва жамиятлар ҳаётининг турли жабҳаларига кириб бориб, уларнинг қадриятлар тизими, одоб-ахлоқ меъёрларини вайрон қилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини четлаб ўтиб, фуқароларнинг адолатга, давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда.

рорликни мустаҳкамлаш ва жаҳон майдонида тенг ҳуқуқли субъект сифатида давлатимиз салоҳиятини оширишга қаратилган саяё-ҳаракатлар ўзига хос кучли сиёсий ирода билан амалга оширилмоқда.

Бу борада “Ҳаракатлар стратегияси” ва “Тараққиёт стратегияси” асосида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган вазифалар, аввало, барча соҳаларда коррупцияга барҳам беришга, унинг илдиз отишига шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Шу асосда давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари, вазифалари тақомиллаштирилди, давлат органларининг ҳуқуқий мақоми қайта қўриб чиқилди. Коррупция-

ри кўрсатиш тизими комплекс тарзда ислоҳ этилди.

Давлат хизматлари марказларида аҳолига кўрсатилаётган давлат хизмат турлари сони 2018 йилда 63 та бўлса, 2024 йилга келиб, 403 тани ташкил этди. Ўрни бу кўрсаткич сўнгги 7 йилда 6 баробар ошди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 қарра ортиб, 721 тага етди. Аҳоли ва тадбиркорлардан 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар олиш бекор қилинди.

Бу ислохотлар, аввало, фуқароларни давлат идораларида эшикма-эшик юриб сарсон бўлишидан сақлашга, хизмат кўрсатиш соҳасида инсон омилини камайти-

рини юзага келтириб чиқарувчи сабабларни камайтиришга хизмат қилмоқда. Бу ислохотларнинг ижобий натижаларини йилдан-йилга ўсиб бораётган рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан жаҳон мамлакатларида коррупция аломатлари ва кўринишлари ҳар йили таҳлил қилиб борилади. Бу ташкилотнинг ҳисоботларига кўра, коррупция ҳолатининг йўқлиги бўйича 2016 йилда Ўзбекистон 176 та давлат орасида 100 баллдан 17 балл тўплаб 156-ўринни олган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 26 балл билан 146-ўринни, 2024 йилда 32 балл билан 121-ўринни таш-

Кибержиноятларга

билса, хавфсизликка йўналтирилган сармоя ва ташкилий чора-тадбирларнинг аҳамияти ортиб боради.

Бу ҳолат ташкилотларни хавф таҳлили, кибердаудит ва хавфсизлик сиёсати каби долзарб йўналишларда фаол ҳаракат қилишга ундайди. Ушбу ёндашув фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кибержиноят оқибатида шахсий маълумотлар ўғирланиши, молиявий йўқотишлар ёки шахсий активларга таҳдид юзага келганда, зарар кўрувчи томон ушбу моддий йўқотишларни айбдор ташкилот ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга бўлиши адолат ва қонун устуворлигини таъминлайди. Бу эса, жамиятда ахборот хавфсизлигига оид ҳуқуқий маданиятни шакллантиради.

Қонунчилик нуктаи назаридан, ушбу тартиб рақамли фаолият соҳасида институционал жавобгарлиқни белгилаш, суд амалиётида янги ҳуқуқий амалиётни вужудга келтириш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бу турдаги нормалар миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришда ҳам муҳим қадам ҳисобланади.

Шунингдек, иқтисодий нуктаи назардан қаралганда, ушбу механизм

кил этди. Ушбу индексда ижобий натижалар қайд этилиши ўша мамлакатда демократик ҳуқуқий тамойиллар қарор топаётганлигини, қонун устуворлиги барқарорлашиб бораётганлигини, яширин иқтисодиётга барҳам берилаётганлигини кўрсатади. Энг асосийси, рейтингда ижобий натижаларга эришган мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрўйи яхшиланиб, инвесторлар учун жозибадорлиги ортади ҳамда туризм, савдо ва инвестициялар соҳасидаги имкониятлари кенгайди.

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш, жамиятда соғлом муҳит яратиш ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаш мақсадида, жорий йилнинг март ойи бошида давлатимиз раҳбари бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Президентимиз томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган 55 та ташаббус илгари сурилди.

Жумладан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш бўйича 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, маъшиий коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари маъсулиятини ошириш ҳамда назорат инспекциялар мустақиллигини мустаҳкамлаш каби ташаббуслар ўртага ташланди. Шунингдек, та-

жиба тариқасида Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув ҳўжалиги вазирликлари, “Нефтьгаз” ва “Сувтаъминоти” жамиятларининг комплаенс назорати Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан олиб борилиши алоҳида таъкидланди.

Коррупциянинг жамиятда мавжуд бўлиши иқтисодий ривожланишни секинлаштиради, инвестициялар оқимини камайтиради, молиявий ресурсларни нотўғри сарфлашга олиб келади. Қолаверса, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини сусайтиради. Шу маънода, коррупцияга қарши курашиш фақат давлатнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий вазифаси эканлигини инобатга олиб, бу йўлда барча виждонан ҳаракат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Президентимиз бу борада илгари сурган ташаббуслар жамиятимизда коррупциянинг олдини олишда, унинг илдизларини бартараф этишда муҳим восита ролини бажаради. Бу йўлдаги ишлар нафақат мамлакат ичкарисидаги муаммоларни ҳал этишга, балки халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада оширишга ҳам хизмат қилади.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,

Олий Мажлис Сенати

Халқаро муносабатлар,

таъки иқтисодий

алоқалар, хорижий

инвестициялар ва туризм

масалалари кўмитаси

раиси ўринбораси

●Хуқуқий шарҳ

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Хар қандай давлат органи ёки мансабдор шахс ўз фаолиятини ҳужжатлаштириш орқали амалга ошириб, бу ҳужжатлар орқали ҳуқуқий, маъмурий ёки ташкилий қарорлар қабул қилинади ва ижро этилади. Ўз навбатида, булар расмий ҳужжатлар деб аталади.

Аммо суд-тергов амалиётида ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриш жараёнида қонунчиликда “расмий ҳужжат” тушунчаси батафсил ёритиб берилмагани муайян қийинчиликларни юзага келтираётганини қайд этиш жоиз.

Жумладан, “расмий ҳужжат” тушунчасини Жиноят кодексининг 209-моддаси (*мансаб сохтакорлиги*) ва 228-модда (*ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш*) жиноятларида учратиш мумкин.

Олий суд Пленуми қарорларида ҳам “расмий ҳужжат” тушунчаси аниқ ёритиб берилмаган. Лекин айрим норматив ҳужжатларда унинг баъзи белгиларини кўриш мумкин.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарорига 1-Илова билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомга иловада расмий давлат ҳужжатлари қуйидагича кўрсатилган:

I. Давлат гербли гувоҳномалари: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома; никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома; никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома; вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома.

II. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти; чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома.

III. Ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари: чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси; ҳарбий би-

Қонунчиликда ва Пленум қарорларида “расмий ҳужжат” тушунчаси аниқ белгиланмаганлиги учун айрим ҳолатларда суд-тергов органлари томонидан бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда.

Шу маънода, расмий ҳужжат тушунчаси алоҳида бир қонун билан таърифланмаган бўлса-да, амалдаги қонун ҳужжатларида унинг ҳуқуқий моҳияти ва турлари аниқ белгиланиши лозим.

лет; офицер ва захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси.

IV. Маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар: тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома; ўрта маълумот тўғрисида аттестат; ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом; олий маълумот тўғрисида диплом; фан номзоди (ёки доктори) дипломи.

V. Ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар: меҳнат

Расмий ҳужжат турлари:

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари);

2) маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, ба-

ташкilotининг мансабдор шахси томонидан тузиладиган, ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва маълумотларни аниқлаш, тасдиқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган юридик кучга эга бўлган ҳамда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган ёзма ёки электрон шаклдаги ҳужжат.

Расмий ҳужжатларга қуйидагилар кириди:

- давлат гербли гувоҳномалари (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома, вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома);

- шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома, хорижга чиқиш паспортлари);

- ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари (чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий билет, офицер ва захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси);

- маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар (тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома, ўрта маълумот тўғрисида аттестат, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом, олий маълумот тўғрисида диплом, фан номзоди (ёки доктори) дипломи);

- ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ногиронлик гувоҳномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари, транспорт воситаси ҳужжатлари ва бошқалар);

- маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, баённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);

- суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);

- нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);

- иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳужжатлари) ва бошқалар.

Фуқаролар томонидан тузилган ҳужжат (масалан, тилхат, блокнот ёки дафтардаги маълумотлар, ёзишмалар, шартнома қабили)ни сохталаштириш Жиноят кодексининг 209 ёки 228-модда таркибини бермайди, бунда мазкур ҳужжат бошқа жиноятни енгиллаштириш мақсадида фойдаланилган восита сифатида баҳоляниши мумкин.”

Хулоса қилиб айтганда, “расмий ҳужжат” тушунчасининг қонунчиликка киритилиши ёки белгиланиши суд-тергов органлари томонидан шу турдаги ҳужжатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўғри ва аниқ квалификация қилишда яқиндан ёрдам беради.

●Талаб ва тақлиф

«Расмий ҳужжат» тушунчаси бу билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш: муаммо ва ечим

дафтарчаси; ҳайдовчилик гувоҳномаси; ногиронлик гувоҳномаси; уруш қатнашчиси гувоҳномаси.

Юқоридагилардан кўринадики, агар айбдорнинг шу ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, қалбакилаштириши, сохта ҳужжатлар тузиши, тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Лекин бу норматив ҳужжат ҳам расмий ҳужжатлар тушунчасини тўлиқ қамраб олмайди. Яъни расмий ҳужжат — ҳуқуқий, маъмурий ёки ташкилотчилик аҳамиятига эга бўлган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган, давлат органлари, ташкилотлар ёки мансабдор шахслар томонидан тузилган ёзма ёки электрон шаклдаги ҳужжат ҳисобланади ва расмий ҳужжатлар маълумотларни аниқлаш, тасдиқлаш, ваколатларни юклаш ёки ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда асос бўлади.

Расмий ҳужжат қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

1) юридик кучга эга ҳужжат қонун, фармон, қарор, буйруқ, шартнома каби ҳуқуқий асосга эга бўлади;

2) давлат тилида, гербли бланкда, рақамланган ҳолда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилади, ҳужжатда реквизитлар санаси, рақами, имзо, муҳр ва бошқалар тўлиқ асқ этган бўлиши шарт;

3) маълумотни аниқ, расмий ва ишончли тарзда баён этади ва муайян мансабдор шахс томонидан тасдиқланади.

ённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);

3) суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);

4) нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);

5) иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳужжатлари).

6) лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари.

7) ташкilotнинг ички буйруқ ва фармойишлари қабили.

Қонунчиликда ва Пленум қарорларида “расмий ҳужжат” тушунчаси аниқ белгиланмаганлиги учун айрим ҳолатларда суд-тергов органлари томонидан бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда.

Шу маънода, расмий ҳужжат тушунчаси алоҳида бир қонун билан таърифланмаган бўлса-да, амалдаги қонун ҳужжатларида унинг ҳуқуқий моҳияти ва турлари аниқ белгиланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қонун ҳужжатлари ёки Жиноят кодекси ва Олий суд Пленуми қарорларига “расмий ҳужжат” тушунчасини киритиб, унда “расмий ҳужжат”га қуйидагича таъриф бериш тақлиф этилади:

“Расмий ҳужжат — давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органи ёхуд нодавлат тижорат ташкilotининг ёки бошқа нодавлат

бўлган ҳолда содир этилганлигини кўрсатади. Масалан, анъанавий шахсий фарибгарликдан фарқли ўлароқ, фишинг орқали юзлаб шахсларнинг маълумотларини ўзлаштириш, блокчейнда криптоактивлар орқали ноқонуний маблағ айланмасини юритиш ёки бир неча давлат фуқароларини қамраб олган молиявий пирамида ташкил этиш — бу жиноятларнинг ижтимоий ҳаф даражасини сезиларли даражада оширади. Шунинг учун ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати, ҳуқуқий нуктаи назардан, жиноятнинг хатарли шаклда содир этилишини англатади.

Мазкур ёндашув халқаро ҳуқуқий амалиётда ҳам кўлланилади. Жумладан, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар учун махсус тартибда қатъий жазо чораларини белгилagan.

Кибержиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик бўйича муҳим ҳужжат — Будапешт Конвенцияси ахборот муҳитида жиноят содир этиш усулини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоляйди ва унга нисбатан давлатлар томонидан кескин кураш олиб борилишини талаб қилади. Ўзбекистон Президентининг қарорида ҳам, ушбу Конвенцияга муайян шартлар асосида қўшилиш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш вазифаси белгиланган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, жиноят ҳуқуқи тизимида жазони

●Хабар

Шахснинг шаъни суд орқали ҳимоя қилинадиган муҳим ҳуқуқларидан биридир



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқлар ва аноним алоқа тармоқларининг шиддатли ривожланиши бу соҳада суд ҳимояси учун янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада суд ишлари янада мураккаблашиб, масъулият ошиб бормоқда.

Конференцияда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти қандай шаклланаётгани, бу соҳада қандай муаммоларга дуч келинаётгани ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш учун қандай чора-тадбирлар куриш зарурлиги ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

содир бўлаётган воқеаларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш вазифасини қўймоқда.

Суд амалиёти олдида турган муаммолардан бири сифатида ушбу тоифадаги ишлар бўйича далилларни баҳолашнинг ягона стандартлари йўқлиги, маълумотларнинг обрўга путур етказувчи хусусиятини аниқлашда турлича ёндашувлар, маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашдаги қийинчиликлар, шаън, қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва сўз эркинлиги ўртасидаги мувозанат мезонларининг ишлаб чиқилмагани, рақамли манбалардан ахборотни ўчириш ва уни блоклаш билан боғлиқ масалаларнинг етарли даражада тартибга солилмагани-



Ушбу муаммонинг долзарблиги нафақат ҳуқуқий, балки номоддий неъматларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий аҳамияти билан ҳам белгиланади. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар илгаригидан ҳам тезроқ ва кенг миқёсда тарқалмоқда.

Фуқаролар ўз обрўси ва қадр-қимматига қилинган ҳар қандай таъжовузга нисбатан адолатли, тез ва малакали муносабат билдирилишини истамоқда.

Сўнгги йиллар статистикаси шундай ишлар сонининг барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Хусусан, 2023 ва 2024 йилларда жами 44 (2023 йилда 22, 2024 йилда 22 нафар) фуқаронинг шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш билан қўриқовчи ишларни ташкил қилган ва мазкур ишларнинг 37 таси ёки 79 фоизи қаноатлантирилиб, жавобгарлардан 23,7 миллион сўм моддий ва 403,6 миллион сўм маънавий зарар ундирилган.

Статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, судлар шаън ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича тобора кўпроқ даъво талабларини қўриб чиққан. Аксарият ҳолларда даъво талаблари қаноатлантирилган. Айниқса, интернет нашрларига оид бундай ишлар сони сезиларли даражада ортган. Бу тенденция бизнинг олдимизга

ни санаб ўтиш мумкин. Ўхшаш вазиятларга турлича ёндашувлар мавжуд бўлган шароитда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш зарур.

Шу муносабат билан сўнгги 2-3 йилдаги ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини ҳар томонлама умумлаштириш, аини пайтда 1992 йил 19 июндаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкilotларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорининг янги таҳририни замонавий тенденцияларга мутаносиб равишда ишлаб чиқиш, судьялар ва жараён иштирокчилари учун махсус услубий материаллар ва амалий қўлланмалар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур.

Амалиётни умумлаштириш нафақат муаммоли нукталарни ва ижобий мисолларни аниқлаш имконияти, балки янги стандарт ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун самарали воситадир.

Тадбирда бугунги кунда судларга интернет ва бошқа рақамли муҳитларда маълумотларни тарқатиш ҳолатларига нисбатан анъанавий қонун нормаларини қўллаш, шунингдек, фикр ва фактик баёнотларни фарқлаш бўйича аниқроқ тушуниришлар кераклиги қайд этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

●Жиноят ва жазо

Тупроққа кўмилган ажал

Касбинг зийнатинг бўлсин, уни шу Ватан, шу халқ равнақи ва саодати йўлида сарфла. Акс ҳолда... у сени чоҳга тортади.

Лола Зайниева – 25 ёшда, бўлажак геолог, пойтахтдаги номдор университетнинг геология факультети учинчи босқич талабаси. Бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этгани учун 3 йил

муддатга озодликни чеклаш жазосига тортилган. Жазони яримдан кўпроги ҳали ўталмаган.

Комила Зайниева – 27 ёшда, Лоланинг опаси. Ўша факультетнинг 1-босқич талабаси.

(Давоми 4-бетда) ►

Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судьяси

қарши кураш:

ҳуқуқий, институционал ва стратегик ёндашув

Ушбу йўналишда ҳуқуқий ёндашувлар, халқаро тажриба, инсон ҳуқуқлари кафолатлари, аймавий таҳдидлар ва жамиятдаги ижтимоий адолат тамойиллари ўртасидаги мувозанат мустаҳкам илмий таҳлилга асосланиши лозим.

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари орқали жиноят содир этиш ҳолатлари XXI асрнинг ҳуқуқий тизими учун кескин муаммога айланди. Бугунги кунда жиноятлар анъанавий шакллардан четлаб, рақамли муҳитга кириб келган. Хусусан, электрон тўлов воситалари, банк хизматлари, телекоммуникациялар, блокчейн технологиялари ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган жиноятлар нафақат молиявий зарар етказмоқда, балки жамиятда ишончсизлик муҳитини ҳам юзага келтирмоқда.

Бундай жиноятларни содир этувчилар, одатда, ўз шахсини яширади, ҳудудий чегараларга буйсунмайди ва бунда ҳаракат тезлиги жуда юқори бўлади. Шу сабабли, қонунчиликда бундай жиноятларга нисбатан жазо чоралари аниқ ва қатъий тарзда белгиланиши талаб этилади.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи на-


◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шуни ҳам айтиш керакки, бу берилаётган материаллар деярли ҳеч ерда эълон қилинмаган, 35-40 йил бурун менгина ўқиган маълумотлардир”, деб ёзган.

Шу нарса ажабланарлики, “Отам ҳақида” китобининг 1974 йилдаги нашрида ҳам, 1983 йилдаги нашрида ҳам, ҳатто 2005 йилда босмадан чиққан “Отамдан хотира” китобида ҳам Ҳ.Қодирийнинг шу маълумотларни 35-40 йил бурун ўқиганлиги айтилган. Ҳолбуки, китоб муаллифининг бу материалларни ўқиганига 1983 йилда — 44-49, 2005 йилда эса, 60-65 йил бўлган! Агар Ҳ.Қодирий “бу материаллар”ни 1945 йилнинг 28 майига қадар ўқиган бўлса-да, уларни қамоқхона ва лагерларда кечган ҳаёти давомида “хотира сандиғи”да “фотографик аниқлик” билан сақлаб қолганига ишониш қийин. Шунинг учун Ҳ.Қодирий отасининг ёндафтарига 35-40 йил муқаддам ёзган қайдларини эълон қилишдан аввал бундай изоҳ беришни лозим топган: “...у материаллар ҳақида хотирамда айрим-айрим тасаввурлар қолган бўлса ҳам, баъзи шахслар номи, тарихий саналар, тафсилотлар ёдимдан кўтарилган бўлиши мумкин. Бундай муаммо ҳолларни хабардор шахслардан сўраб, тарихдан ўқиб аниқлашга ҳаракат қилдим (таъкид бизники — Н.К.)”.

Бу сўзларга қараганда, Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида” ва “Отамдан хотира” китобларидаги “Амир Умархоннинг канизи” бобида берилган маълумотларга отаси томонидан тўпланган ва ёзиб олинган материаллар сифатида қараш тўғри эмас.

Ҳ.Қодирий адиб романларини ўқиган китобхонларнинг нафақат 1937-1938 йилларда, балки кейин ҳам қамоққа олинганларини яхши билган. Лекин шунга қарамай, талаба дўстлари даврасида “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини



яширин равишда ўқиб юрган. Унинг 1945 йил 28 майда қамоққа олиниши сабабларидан бири ҳам худди шу ҳолдир. Шу куни Қодирийлар уйида ўтказилган тинтувда адибнинг 1937 йил гулханларидан омон қолган асарлари, қўлёзмалари, жумладан, сўнгги тугалланган ёки тугалланмай қолган романи қўлёзмаси ва шу роман учун тўпланган материаллар ҳам НКВД ходимлари томонидан олиб кетилган.

Ҳ.Қодирийнинг таъкидлашича, “бу роман ҳали ёзилмаган, фақат ният қилинган”. У давом этиб, яна ёзган: “Бироқ баъзи ўртоқлар “ёзиб тугатилган эди, йўқолган”, деб ўз мақолаларида хабар берадилар...” Ҳ.Қодирий шу сўзлардан кейин “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1937 йил 14 июль сониде босилган “Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи пленумининг якунлари” деган мақолага эътибор қаратган. Унда эса: А.Қодирий “яқинда топширажақ романини ёзувчилар коллективи томонидан кўриб чиқилиши кераклигини айтди”, деган сўзлар ёзилган. Агар А.Қодирий бу романини ёзиб тугатмаганида ёки тугатиш арафасида турмаганида ёзувчилар дав-

расида бундай нақд гапни айтмаган бўлармиди...

Мустақиллик арафасида КГБнинг темир сандиқлари очилиб, тарихчи ва адабиётшунос олимларга Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари “халқ душманлари” деб келинган улугларнинг “жиноий-архив ишлари” билан танишиш имконияти берилди. Биз шу имкониятдан фойдаланиб, бир қанча ёзувчилар, жумладан, Қодирийнинг “иш”и билан ҳам танишдик. Шундай кунлардан бирида атоқли адабиётшунос олим, Қодирийнинг оқланишига катта ҳисса қўшган Иззат Султон каминида бундай деган эди: “Наимжон, Қодирий “иш”и билан танишаётганимизда тергов материалларини синчковлик билан ўрганинг. Айрим ёзма кўрсатмалар, савол-жавоблар Қодирий қўлёзмаларининг орқа томонига ёзилган. Қодирийни оқлаш ишлари бошланганида, менга КГБ архивидида ишлаш имконияти берилган. Қодирий “иш”ини ўрганиб чиқиб, ёзма кўрсатма беришим зарур бўлганида, менга бир томонига ёзилган бир даста қоғозларни беришди. Мен бу қоғозларнинг орт томонидаги ёзувларга назар ташла-

сам, улар Қодирий сўнгги романи қўлёзмасининг саҳифалари экан!”

Машҳур олимнинг бу сўзлари менда шу романнинг тугалланмаган бўлса-да, асосий қисмининг ёзилганига ишонч, унинг ҳозир ҳам архивдан топилиши мумкинлигига умид уйғотади.

Яна бир масала. Маълумки, “Меҳробдан чаён” романининг иккинчи боби “Амир Умархоннинг канизи” деб аталади. Қодирий сўнгги романида яна шу мавзуга мурожаат этганмикин? Унинг яна шу мавзуга қайтишига етарли даражада асос бўлганми?! Ахир, адибнинг “Амир Умархоннинг канизи” романини ёзмоқчи бўлганлиги тўғрисида на унинг ўзи, на замондошлари аниқ маълумот бермаганлар-ку?!

Қодирий замондошларидан бири Ғайратий бу саволга умумий бир жавобнигина берган: “Мен Абдулла акамнинг Умархон давридан роман ёзмоқчиликларини билардим”. Ғайратий бу сўзларни ёзишдан олдин Мирзои Ҳўқандийнинг адиб билан ўзини қўқонлик китобфурушлардан бирининг уйига олиб боргани, китобфурушнинг эса, адибга бир “қўлёзма китоб”ни кўрсатганлигини айтган. Бу Муҳаммад Ҳакимхон (у, Ғайратий ёзганидек, Ўратепада ҳоким бўлмаган) нинг тарихий асари бўлиб, унда амир Умархоннинг канизи тўғрисида мукаммал маълумот берилган. “Бироқ у (Абдулла акамга кўрсатилган) китоб, — Ғайратийнинг ёзишича, — қўлёзманинг асли эмас, аслида, бирмунча қисқартириб кўчирилган нусха экан. Асли эса, Тошкент Шарқ кутубхонасида сақланган экан”.

Агар Қодирий шу китоб билан танишиш имкониятига эга бўлган бўлса, демак, у шу китобдаги Хонпошша билан боғлиқ воқеаларни ўқиган ва шу романбop сюжет асосида “Амир Умархоннинг канизи” асарини ёзиш орзуси билан яшаганига ишониш мумкин.

(Давоми кейинги сонда)

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги соҳасидаги санитария чоралари, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби халқаро қоида ва нормалар билан уйғунлаштирилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотишни ишлаб чиқариш, қадоклаш, ўраш ва тамғалаш, кузатилишини таъминлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишга қўйиладиган умумий талаблар, ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотининг талаблари ҳамда ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг муомаласи билан боғлиқ барча жараёнларни тўлиқ назорат қилиш имконини берувчи очиқ ва шаффоф озиқ-овқат операторларининг электрон реестри жорий қилинмоқда. Озиқ-

овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати — “энг маъқул истеъмол муддати” ёки “якуний истеъмол муддати” кўрсатилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Эндилиқда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш жараёни илгор халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилади, бу борадаги ортиқча бюрократик тартиблар, хусусан, ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган санитария-эпидемиология хулосаси, ветеринария гувоҳномаси ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигини томонидан бериладиган мувофиқлик сертификатини мажбурий расмийлаштириш талаби бекор бўлади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳасидаги айрим нормалар депутатлар берган таклифлардан келиб чиқиб маромига етказиладиган бўлди.

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР ТОИФАСИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА



Мажлисида кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш ҳамда малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди. Жумладан, қонунда умумий юрисдикция судларида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси белгиланган. Бироқ кам

таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда, уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунларда тартибга солинмаган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, кам таъминланган шахслар муайян ишда ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этганда, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишлари мумкинлиги белгиланмоқда. Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга, давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга ҳамда ижтимоий давлат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган. Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

АТРОФ-МУҲИТ ВА ЎСИМЛИК ДУНЁСИНING МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Шунингдек, мажлисида атроф-муҳит ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳаси билан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунларга, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳа-

сида автоматик мониторинг станциялар маълумотларини ягона геоахборот маълумотлар базасига реал вақт режимида кириштириш таъминлаш назарда тутилмоқда. Бу фуқароларнинг атроф-муҳит ҳақида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Қонун лойиҳасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш назарда тутилган.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Даврон Аҳадов – 19 ёшда, маълумоти ўрта-маҳсус. Комиланинг таниши.

Ўтган йилнинг бошларида Лола, нима бўлди-ю, телеграмм орқали россиялик Зина исмли аёл билан танишиб, қисқа вақтда апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Айниқса, Зинанинг суратларига боқиб, унинг мўмай даромад топувчи замонавий аёл экани диққатини тортди. Янада яқинроқ танишишни истайди.

– Қандай иш билан шуғулланасиз, сир бўлмаса? – сўради у Зинадан.

– Жуда масъулиятли, аммо сердаромад иш, – деди Зина. – Истасангиз, сиз ҳам шуғулланишингиз мумкин, йўл-йўриқларини кўрсатаман.

У шундай дея “сердаромад иш”нинг номини ёзиб, уни телеграмдан “излов” буйруғи орқали ўзи топиб олишни тавинлади. Сухбатлари тугаши билан Лола Зина айтган манзилни тармоқдан излай бошлади. Мана, топди! Рўйхатдан ўтиш керак экан, ўтди!

Сал ўтмай телефон рақамига қўнғироқ бўлди ва қўнғироқ қилган кимса бу “иш”ни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб қўриши, чуқки ўта хавфлилиги, лекин эҳтиёткорлик билан шуғулланса, тез орада катта фойда қўришини айтди.

– Қарорим қатъий, – деди Лола. – Вазифаларимни тушунтиринг!

Барчаси тушунтирилди: вазифаси, ишлаш тартиби, вақти, хизмат ҳақи...

Ҳатто унга алоҳида бошлиқ ҳам тайинланди. Лола келгусида топшириқни ана шу бошлиқдан олади ва унинг кўрсатмалари асосида иш юритади, унинг руҳсатисиз ортиқча бир қадам ҳам ташламайди. Лолани ижтимоий тармоқда аввалдан мавжуд бўлган бир гуруҳга

■ Жиноят ва жазо

Тупроққа кўмилган

қўшиб қўйишди. Ўзaro жинoий гуруҳ ҳисoбланмиш бу “ҳамкасoблар” топшириқни шу ердан олишади ва бажаришади. Маoшлари эса, уларнинг электрон ҳамёнларига ўтказилади.

Қисқаси, Лола тайёрлов бoсқичидан ўтгач, бошлиқдан хабар келди: “Сенинг асосий вазифанг – телеграмм орқали юборилган манзилларга бoриб, кўмиб қўйилган яхлит “товар”ни топиб олиш, уни турли oғирлик ва ҳажмдаги бўлакларга бўлиб, қайта қадоклаш ва келгусида интернет тармоғи орқали сотишимиз учун бизнинг кўрсатмамиз бўйича Тошкент шаҳри ва вилояти туманларидаги худудларга қайта кўмиб чиқишдан иборат! Иш вақти тоатги соат 4⁰⁰ дан кундузги соат 11⁰⁰ гача”. Ва унга илк вазифасини амалга оширадиган манзиллар рўйхати ҳам юборилди.

Тошириқни қабул қилиб олган Лола синглиси Комила билан бирга Давроннинг “Спарк” русумли автомашинасида Бўстонлиқ тумани сари отланишди. Тонги соат 4 да ўша манзилга етиб боргач, “ҳамкасoблари” томонидан кўмиб кетилган “товар”ни қазиб олишди. Сўнг oғирлиги 100-150 грамм микдоридagi қадокланмаган синтетик гиёҳвандлик воситасини ижара уйига олиб келишди. Кейин эса, гиёҳвандлик воситасини кичик-кичик бўлакчаларга бўлишди ва қадоклашгач, телеграмм орқали хабар жўнатди. Орадан кўп ўтмай бошлиқ қадокланган гиёҳвандлик воситаларини кўмиб келиш учун янги “локациялар” юборди. Яна учовлон тун қоронғуси-



да йўлга тушишди ва бу гал қадокланган гиёҳвандлик воситаларини Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ туманларидаги тегишли худудларга кўмиб чиқишди.

Кундан кунга жўнатмалар вази ҳам, унга тўланадиган ҳақ микдори ҳам ортиб борарди. Лола май ойида нотаниш шахсдан навбатдаги жўнатма – 3 дона қоғоз кутини қабул қилиб олди. Жўнатмада сув насоси бўлиб, унинг ичида қоғозга ўралган 700 дона таблетка, 300-400 грамм гиёҳвандлик воситаси жойланган эди. Кўрсатмага биноан, учовлон аввал таблеткаларни майдалаб кукун ҳолига келтиришди. Сўнг оздириш учун ишлаб чиқарилган воситаларнинг капсулаларини бўшатиб, ўрнига гиёҳвандлик воситасини жойлашди-да, бошлиқ айтлашди ҳам жойларга кўмиб келишди. Бу манзилларнинг аксарияти олий ўқув юртлари, мактаб ва коллежлар бинолари жойлашган худуд атрофи эди...

Ҳамтовоқлар ишлари бароридан келаётгани ва мўмай-

гина даромад топишаётганидан хурсанд эдилар.

Кейинги сафар янада катта микдорда “товар” келди: ҳамтовоқлар Олмасор туманидан Тошкент тумани Ҳасанбой шаҳарчасигача тасвирланган манзилдан (улар фотосуратда кўрсатилган) “товар”ни олиши керак эди. Опа-сингил Даврон бошқарувидаги уловга ўтириб, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Фаввора” қаҳвахонаси ёнидаги қурилиши тугалланмаган бионинг орқа тарафидида майдонга етиб боришди. Режага кўра, опа-сингиллар автомашинада кутиб турадиган Даврон эса, юкни топадиган бўлди. Даврон уловдан тушди, телеграмдаги “локация” бўйича ҳаракатланиб, бинодан 50 метрлар наридаги далада, ўтлар орасига кўмиб қўйилган “товар”ни қийналмай топди. Полиэтилен пакетга жойланган гиёҳвандлик воситасининг вази 3,9 кило- ташкил этарди.

“Товар мўл-ку! – деди Даврон ўз-ўзига хурсандлигини

ичига чиғдирилмай. – Демак, даромади ҳам зўр бўлар экан-да!”

Аммо унинг хурсандчилиги узoққа чўзилмади. Гиёҳвандлик воситасини ҳали ердан олишга улгурмай туриб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Шу тариқа кўп-лаб ёшлар, хусусан, талабалар, ўқувчилар ёки уларнинг ота-оналарини тубсиз жарликка ғарқ этиши мумкин бўлган оғунинг тарқалиши олди олинди.

Экспертиза хулосасига кўра, тезкор тадбир давомида фош бўлган ушбу модда республикамиз худудида муомаласи тақиқланган гиёҳванд воситалари туркумига кириши аниқланди.

Жиноятга жазо муқаррар. Суд ишни батафсил қўриб чиқиб, Лолага муқаддам тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўйиш йўли билан узил-кесил 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, Комила — 6 йил, Даврон эса, 10 йил муддатга озодлик деган бахтни туймайдиган бўлишди.

Умид қиламизки, бу жазо ҳамтовоқлар қилмишлари нақадар жирканч ва тубан эканини тушуниб етиши, хатоларини тўғри хулоса чиқариш учун сабоқ бўлади. Зеро, жиноятга жазо тайинлашдан асосий мақсад ҳам шу, аслида. Тафсилотларимиздан ниятимиз эса, барчани янада ҳушёрликка чорлаш, аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликка, унинг бугунги тезкор ахборот майдонидаги учқур ҳаракати-га қарши ҳар биримиз курашишимиз ва бу борада янада жипслашишимиз зарурлигини ўқитиришдир.

Ғафур АМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди раиси

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди	Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ	Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Бахтиёр ИСЛАМОВ Икрам МУСЛИМОВ Олимжон ИСМАИЛОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ	Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ Жамшид САДИНОВ Муродулло ҚОДИРОВ Замира ЭСАНОВА Азиз АБИДОВ Бобомурод РАЙИМОВ	Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ	Газета «Ашарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolata@mail.ru Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 3102 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 21⁴⁵.
--	---	--	--	--	---	--